

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ЮСУПОВ УМИДБЕК БОЛТАЕВИЧ

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АВТОТРАНСПОРТЛАРНИ КАРЪЕР
ШАРОИТИДА ИШЛАШНИ ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА,
ШИНАЛАРИНИНГ ЮРИШИНИ МЕЪЁРЛАШ УСЛУБИНИ ЯРАТИШ**

05.08.06 – Гилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Юсупов Умидбек Болтаевич

Ихтисослаштирилган автотранспортларни карьер шароитида
ишлашнинг ҳисобга олган ҳолда, шиналарнинг юришини меъёрлаш
усулбунини яратиш 3

Юсупов Умидбек Болтаевич

Разработка методики нормирования пробега шин
специализированного автотранспорта, с учётом работы в карьерных
условиях 23

Yusupov Umidbek Boltaevich

Development of methods for normalizing the mileage of tires of
specialized vehicles, taking into account work in career conditions..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 48

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ
КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ**

ЮСУПОВ УМИДБЕК БОЛТАЕВИЧ

**ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН АВТОТРАНСПОРТЛАРНИ КАРЬЕР
ШАРОИТИДА ИШЛАШНИ ХИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА,
ШИНАЛАРИНИНГ ЮРИШНИ МЕЪЁРЛАШ УСЛУБИНИ ЯРАТИШ**

05.08.06 – Гилдиракли ва гусеничали машиналар ва уларни ишлатиш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2020

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т954 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tayi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Топалиди Валерий Анатольевич
техника фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Шаринов Конгратбай Аvezимбетович
техника фанлари доктори, профессор

Алибоев Бахтиёр Абдурахмонович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори, PhD

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ҳузуридаги DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «12» 08 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси 20-уй. Тел./факс: (99871) 232-14-39, e-mail: tadi_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 195 билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20. Тел./факс: (99871) 232-14-39.

Диссертация автореферати «28» 07 2020 йил тарқатилди.
(«4» 07 2020 йил № 2 -сонли тарқатиш баённомаси реестри).



А.А.Рискулов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Р.А. Абдурахманов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, PhD, доцент

А.А.Мухитдинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги вақтда илмий ҳамжамиятда, автомобиль транспортида ташиш харажатларини камайтириш ва эксплуатацион материаллар ресурсидан самарали фойдаланиш, эксплуатация шароитига мос юк автомобилларни ва шиналарни танлаш каби муаммолар ечимига қаратилган илмий-тадқиқот ишлари фаол олиб борилмоқда. Уларда мураккаб шароитларда фойдаланилаётган юк автомобилларининг ресурс тежамкорлигини баҳолаш ва стандартларни ишлаб чиқиш учун таклиф этилган усуллар, эксплуатация шароитида юзага келадиган ва шина ресурсларига таъсир қилувчи омилларни тўлиқ ҳисобга олмайди. Натижада, мавжуд мураккаб эксплуатация шароитларида фойдаланилаётган юк автомобилларининг шина ресурсидан фойдаланиш самараси паст. Бу борада, жумладан, турли тоифали йўл шароитларида, айниқса, карьер шароитида эксплуатация қилинаётган ихтисослашган транспорт воситалари (ИТВ) шиналарининг ишдан чиқиш динамикасини аниқлаш, юриш масофасини меъёрлаш услубини тоғ породасининг қаттиқлик даражасига боғлаган ҳолда такомиллаштиришга қаратилган йўналишларда, мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда табиий иқлим шароитимизга мос равишда, транспорт воситалари ва унинг эҳтиёт қисмларининг эксплуатацион ресурсларидан самарали фойдаланиш усуллари ишлаб чиқиш, ҳамда татбиқ қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, миллий транспорт логистика компаниялари ўртасида рақобат даражасини ошириш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш”¹ масалалари алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шу муносабат билан, автотранспорт соҳасида раҳбарий меъёрий ҳужжатлар асосида эҳтиёт қисмлар ва шиналар ресурси харажатларини аниқлаш ва назорат қилиш жуда муҳимдир.

Республикамизда қимматбаҳо фойдали қазилмаларни қазиб олиш тарихдан маълумки, иқтисодиётнинг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб келган. Автотранспорт воситалари шиналари – қиммат ва нисбатан кам ресурсга эга. Қийин йўл ва иқлим шароитида фойдаланиш давомида, уларни алмаштириш харажатлари барча транспорт харажатларининг тахминан 20% ни ташкил қилади. Айниқса, фойдали қазилмалар қазиб олиш ишлари олиб борилаётган карьерларда. Агар аввалдан махсус карьер самосваллари ва уларнинг шиналари ушбу шароит учун яратилган бўлса, унда “оддий” (одатий) автотранспорт воситаларидан (АТВ) бундай шароитларда фойдаланиш анча экстремал ҳисобланади. Шунинг учун карьер шароитида ишлаётган ИТВларининг шиналар ресурсини меъёрлаш, ҳозиргача долзарб муаммо бўлиб

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

қолмоқда. Одатда бу автомобилларнинг юк кўтариш қобилияти 10 тоннадан 24 тоннагача бўлиб, кичикроқ карьерларда технологик транспорт сифатида ишлатилади, чунки у ерда жой рельефи катта самосвалларни ишлатиш имкониятини бермайди. Шунингдек, бу автомобиллар катта карьерларда муҳим ёрдамчи ишларни, яъни карьерда ишлаётган техника ва технологик транспортлар учун эҳтиёт қисмлар ва ёқилғи етказиб бериш, махсус юкларни ташиш, алмаштириш ускуналари билан таъминлаш, карьер йўлларига сув сепиш ва бошқа ишларни бажаради. Шунинг учун карьерларда йўл қопламаси сифатида ётқизилган тоғ породасининг қаттиқлик даражасини ҳисобга олиб, шиналар юришни тузатиш коэффициентини аниқлаш орқали, ихтисослаштирилган автотранспортлар шиналари юриш масофасини асослаш имкониятини берадиган, универсал услубни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур диссертация тадқиқоти, маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармонларида, жумладан, 2016 йил 22 декабрдаги ПҚ-2692-сон “Саноат тармоқли корхоналарнинг жисмоний ишдан чиққан ва маънавий эскирган машина-ускуналарини жадал янгилаш, шунингдек ишлаб чиқариш харажатларини камайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2017 йил 15 сентябрдаги ПҚ-3280-сон ““Олмалик КМК” АЖнинг бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4077-сон “Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, саноат тармоқларини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 21 ноябрдаги 937-сон “Хом ашёни қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш (Қалмақир, Саричўққи, Мис бойитиш фабрикаси, Автомобиль транспорти бошқармаси, Саноат темир йўллари транспорти бошқармаси)” қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг III. “Энергетика, энергия-ресурстежамкорлик, транспорт, машина ва асбобсозлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Автомобиль шиналарининг юриш масофасига турли омиллар таъсирини ўрганиш ва уларнинг ресурсини меъёрлашга қаратилган илмий тадқиқот ишлари билан дунёда бир қатор етакчи олимлари Ф.Н.Авдонькин, В.Ф.Бабков, И.В.Балабин, А.Е.Белкин, В.А.Белов, В.Л.Бидерман, Б.Л.Бухин, В.Г.Варченко, В.М.Власов, Н.И.Глагоев, В.И.Горячев, В.А.Гудков, С.П.Захаров, В.А.Карпенко, В.И.Кнороз, В.П.Ковальчук, В.Н.Кравец, В.П.Кубраков, А.А.Кулешов, Е.Ф.Непомнящий, В.И.Новопольский, В.А.Патрушев, А.И.Петров, Р.Х.Рахимов, А.А.Ревин, В.И.Савчугов, Л.Д.Слюдинов, В.Н.Тарновский, О.Б.Третьяков, М.А.Трефилов, Р.М.Устаров, Г.Шульце, В.И.Яковенко, В.А.Янчевский, И.Хеггие, С.S.Baker, R.H.Bacon, M.G.Bekker, L.Segel, S.K.Clark, M.K.Verma, L.R.Higgins, D.Manas,

A.Schallamach, D.I.James va бошқалар шуғулланишган.

Мамлакатимиз олимларидан О.В.Лебедев, В.А.Топалиди, А.А.Шермухамедов, А.М.Бабоев ва бошқалар томонидан транспорт воситалари шиналарининг ейилишга бордошлиги бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар ўтказилган.

Бугунги кунда ИТВларини карьер шароитида ишлашини ҳисобга олиб, шиналар юриш масофасини аниқлаш услубини яратиш бўйича илмий тадқиқот ишлари етарлича ўрганилмаган. Бунга сабаб, карьер йўллари асосини ташкил этган тоғ породасининг қаттиқлигига боғлиқ бўлган шина юришини тузатиш коэффициентлари аниқланмаган ва ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ва “BILIMINTERTRANS” ўқув-илмий маркази илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ: 2009 йил 6 мартдаги № 06-633-сон ““Олмалик КМК” АЖдаги карьер шароитида 3 хил турдаги автотранспорт ва йўл қурилиш машиналари учун, шиналарни тадқиқот қилиш ва юриш масофасини меъёрлаш”, 2015 йил 1 мартдаги № 2007-сон ““Ўзбекқўмир” АЖда эксплуатация қилинаётган транспорт воситалари шиналарини ҳақиқий юриш масофасини аниқлаш”, 2016 йил 13 апрелдаги № 132-сон ““Қизилқумцемент” АЖ шароитида эксплуатация қилинаётган автотранспорт воситалари шиналари юришини илмий асослаш” ва 2018 йил 1 мартдаги № 02/06-сон ““Олмалик КМК” автомобиллари шиналари ресурсини меъёрлаш ва тадқиқот қилиш» каби хўжалик шартномаларида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ихтисослаштирилган транспорт воситаларини карьер шароитида ишлашини ҳисобга олиб, шиналар юриш масофасини меъёрлаш услубини яратиш ва ейилишга бардошлигини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

Олмалик кон-металлургия комбинати (ОКМК) объектларида ихтисослаштирилган транспорт воситалари эксплуатация қилинаётган йўл шароитларига баҳо бериш;

Ангрен кон бошқармаси (АКБ) ва Чадак кон бошқармаси (ЧКБ) да технологик транспорт, ҳамда “Қалмақир” кон бошқармасида (КБ) ёрдамчи транспорт сифатида ишлатилаётган (MAN, ISUZU, КрАЗ) ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг шиналари ейилишини тадқиқ қилиш;

“Олмалик КМК” объектларидаги карьер шароитида махсус автотранспорт шиналарини абразив ейилиш жараёни бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

карьер шароитини ҳисобга олиб, турли тоифали йўлларда автотранспорт воситалари шиналарининг юриш масофасини меъёрлаш услубини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектлари бўлиб, “Қалмақир” кон бошқармасига қаршли карьерларга кириш билан бирга турли тоифали йўлларда ишлатилаётган махсус (ёрдамчи) автотранспортлар (MAN, ISUZU, КрАЗ,

КамАЗ, МАЗ) шиналари; Ангрен ва Чадак кон бошқармаларига қаршли карьерларда ишлайдиган технологик автотранспортлар (MAN, ISUZU, КрАЗ базасидаги самосваллар) шиналари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметини ИТВларининг (MAN, ISUZU, КамАЗ, КрАЗ, МАЗ) “Қалмақир”, Ангрен ва Чадак кон бошқармаларидаги карьер шароитида ишлашини ҳисобга олиб, шиналар протекторининг ейилишга бардошлиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида математик статистика ва таҳлил, математик моделлаштириш, экспериментал тадқиқотлар, регрессион таҳлил ва Пирсоннинг чизикли корреляция усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли тоифали йўл шароитида, жумладан карьер йўлларида ихтисослаштирилган транспорт воситалари (ИТВ) шиналарини ейилиш динамикаси аниқланган;

проф. М.М.Протодьяконов шкаласи бўйича карьер йўллари асосини ташкил этувчи тоғ породасининг қаттиқлигини ҳисобга олиб, ИТВ шиналарининг юриш масофасини тузатиш коэффициентлари ишлаб чиқилган ва илмий муомалага киритилган;

V - тоифали эксплуатация шароити, карьер чуқурлигидан келиб чиқиб, иккита V_a ва V_b гуруҳга ажратилган, ҳамда карьер йўл қопламасини баҳоловчи $-D_7$ карьернинг ички ва отвал йўллари кўшимча киритилган;

автотранспорт воситаларининг турли тоифали йўлларда ва карьер шароитида ишлашини ҳисобга олиб, шиналар юриш масофасини меъёрлашнинг ўзига хос универсал услуги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

автотранспорт воситаларининг турли тоифали йўлларда ва карьер шароитида ишлашини ҳисобга олиб, шиналар юришини меъёрлашнинг ўзига хос универсал услуги таклиф қилинган;

“Олмақ КМК” АЖ учун ишлаб чиқилган “ОКМК шароитида автотранспорт воситаларининг шиналари ресурсини меъёрлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига оид қўлланма”га ИТВлари шиналарининг юриш масофасини тузатиш бўйича, карьер йўлларига ётқизилган тоғ породасининг қаттиқлик даражасига боғлиқ охириги тавсиялар киритилган;

турли тоифали йўлларда ҳаракатланадиган ИТВлари шиналари ресурсини меъёрлаш амалга оширилди ва улардан фойдаланиш қоидалари ишлаб чиқилди, булар эса шиналар захирасини ва сарф ҳаражатларини режалаштиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги қуйидаги учта усул билан асосланган:

экспериментал: экспериментларга 220 га яқин автомобиль ва 1400 дан ортиқ шиналар жалб этилган. Назарий ва эксперимент тадқиқотлар натижалари таққосланган, тадқиқот натижаларини тузатиш коэффициентлари танланган;

таҳлилий: тадқиқотларда карьер шароитида ИТВ шиналарининг ейилиш механизми ва шиналар динамикаси жараёнларини математик моделлаштириш

қўлланилган;

амалий: тажриба ва назарий тадқиқотларни таққосий баҳолаш шуни кўрсатдики, шина ейилиш динамикасининг математик модели эксперимент натижалари билан 90 – 95% га мос келган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, карьер шароитида, йўл қопламаси сифатида ётқизилган тоғ породасининг қаттиқлигини ҳисобга олиб, автотранспорт шиналари юриш масофасини тузатиш коэффиценти биринчи мартаба киритилган; турли тоифали йўлларда карьер шароитини ҳисобга олиб, ИТВ шиналари ейилиш динамикаси аниқланган.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, карьер шароитини ҳисобга олган, турли тоифали йўлларда ҳаракатланувчи автотранспорт воситалари шиналари юриш масофасини меъёрлашнинг ўзига хос универсал услуби таклиф этилди; турли тоифали йўлларда фойдаланилаётган, ИТВлари шиналарини тўғри эксплуатация қилиш ва ресурсини меъёрлашнинг ишлаб чиқилган янги услуби, шиналар сарф ҳаражатларини ва захирасини режалаштиришга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ихтисослаштирилган автотранспортларни карьер шароитида ишлашини ҳисобга олиб, шиналарининг юришини меъёрлаш услубини яратиш тадқиқотларидан олинган натижалар асосида:

карьер йўлларида асос сифатида ётқизилган тоғ породаларининг қаттиқлигига боғлиқ бўлган ИТВ шиналарининг юриш масофасини тузатиш коэффицентлари биринчи мартаба ишлаб чиқилиб (“Олмалиқ КМК” АЖда $K_{zn} = 0,275$; “Қизилкумцемент” АЖда $K_{zn} = 0,6125$; “Ўзбеккўмир” АЖда $K_{zn} = 0,8$) жорий қилинган (“Олмалиқ КМК” АЖнинг 2020 йил 10 июндаги №АА-004414-сон маълумотномаси, Транспорт вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги №2/3300-6066-сон маълумотномаси). Натижада, шиналар юриш масофасини тузатиш коэффицентлари Ўзбекистондаги барча карьерларда ишлатилаётган ИТВлари шиналарини юриш масофасини меъёрлаш имконини берган;

автотранспортларнинг карьер шароитида ишлашини ҳисобга олиб, шиналарининг юриш масофасини меъёрлаш учун универсал ўзига хос услуб ишлаб чиқилган ҳамда “Олмалиқ КМК шароитида автотранспорт воситаларининг шиналарини меъёрлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига оид қўлланма” жорий қилинган (“Олмалиқ КМК” АЖнинг 2020 йил 10 июндаги №АА-004414-сон маълумотномаси, Транспорт вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги №2/3300-6066-сон маълумотномаси). Натижада, жорий этилган қўлланмадан фойдаланиш асосида ИТВлари шиналари юришининг меъёрий масофаси 20% гача ошишига эришилган;

“Олмалиқ КМК” АЖда фойдаланилаётган ИТВлари учун, шина ўлчами 12.00R20 бўлган КрА3-65055 самосваллари мисолида, шиналардан тўғри фойдаланиш, шиналарни меъёрлаш ва танлаш бўйича услуб амалиётга жорий қилинган (“Олмалиқ КМК” АЖнинг 2020 йил 10 июндаги №АА-004414-сон маълумотномаси). Натижада, шиналар ресурсини меъёрлаш услубини

амалиётга жорий қилишдан йиллик иқтисодий самарадорлик, битта КрАЗ-65055 самосвали мисолида 6510000 сўмни ташкил қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 1 та республика ва 1 та олий ўқув юртлариаро илмий-амалий анжуманларда қилинган маърузаларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 97 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг мақсади ва вазифалари асосланган, тадқиқот объекти ва предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги тавсифлаб берилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши ва тадқиқот мавзуси бўйича чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотларнинг қисқача баёни келтирилган.

Диссертациянинг **“Автотранспорт воситалари шиналари юришини меъёрлаш ва ейилишга бардошлиги бўйича мавжуд тадқиқотларнинг таҳлили”** – деб номланган биринчи бобида, махсус шина саноати илмий тадқиқот институти (ШСИТИ), катта ўлчамли шиналар илмий-тадқиқот институти (КЎШИТИ) ва бир қатор олимлар томонидан олиб борилган кўплаб тадқиқотлар ушбу муаммога бағишланган ишлар таҳлили келтирилган.

Шина ейилиши 3 та асосий турга ажратилган: чарчаш (одатий ишлаш давомида), думалаб (протектор резинасининг думалоқ бўлиб, протектордан ажралиши) ва абразив. Карьерлардаги эксплуатация шароитида шина ейилишининг аралаш механизми кузатилади. Умумий ейилиш жадаллиги унинг алоҳида турларининг нисбати билан аниқланади.

Шиналардаги абразив ейилиш механизми, шағал йўлларда ва айниқса карьер йўлларида кузатилади. Абразив ейилиш ва протектор юзасидан резина бўлакчаларининг думалаб ажралиши билан содир бўладиган ейилиш, жуда юқори жадалликга эгадир, чарчашдан (одатий ишлаш давомидаги) ейилиш эса, кам жадалликка эга ейилишдир. Одатий ейилиш, шина ва йўл орасида ишқаланиш коэффиценти паст бўлган ҳолатларда кузатилади. Ўтказилган эксперимент натижаларига кўра, ейилишга чидамлилиги юқори бўлган резинанинг ишқаланиш коэффицентининг нисбатан паст қийматлари тўғрисида баҳслашиш учун асос бўлади.


Шиналар протектори ейилишига таъсир қилувчи асосий омиллар – бу йўл

қопламаси, шинанинг ички босими, ишқаланиш коэффициенти, автомобиль тезлиги, протектор расми, резинанинг эгилувчанлик модули, шиналарнинг мустақкамлиги ва чарчашга чидамлилиги. Катта юклама ва резина қаттиқлиги Шору кўрсаткичи бўйича 70 ортиқ бўлса, бетон қопламали йўлларда ҳаракатланганда шиналарда абразив ейилиш жуда жадаллашади. Шунинг учун, протектор резинасининг қаттиқлигини ҳаддан ташқари ошириш мақсадга мувофиқ эмас. Бироқ, жуда юмшоқ резинада ҳам, унга йўлнинг туртиб чиққан қисмларининг кириб бориши ва ҳақиқий алоқа жойларининг кўпайиши туфайли абразив ейилиши ва юқори интенсивлик кузатилиши мумкин. Протектор резинасининг қаттиқлиги стандарт мақбул кўрсаткичга эга бўлишига қарамай, мураккаб деформация жараёнлари туфайли, ҳаракат пайтида турли қисмларида уни аниқлаш жуда қийин.

Шина ейилишига 30 яқин ҳар-хил турдаги омиллар таъсир қилади, уларни 4 та гуруҳга бирлаштириш мумкин: шина сифати; йўл ва иқлим шароитлари; автотранспорт воситасининг (АТВ) техник ҳолати; АТВ эксплуатация режими ва шароитларининг бузилиши. Аввал ўтказилган илмий-тадқиқот ишларида бу таъсирларнинг қонуниятлари аниқланган. Хусусан, шина саноати илмий-тадқиқот институтлари шуни аниқлаганки, агар яхши ҳолатдаги асфальт йўлларда шина ресурсини 100% деб қабул қилинса, унда: яхши ҳолатдаги адирлик ва айланма йўлларда шина ресурси 76% ни; қаттиқ қопламага эга бўлмаган йўлларда 65% ни; ҳар хил қопламали (шағал, тошли) тоғ йўлларида кўпи билан 50% ни ташкил қилади.

Турли тоифали йўлларда ва фойдаланиш шароитларида шиналар ейилиш жадаллиги бўйича кўплаб тадқиқотлар олиб борилганига қарамай, ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг карьер шароитида қисман ишлашини ҳисобга олган ҳолда, шиналари юришини меъёрлаш, ҳали ҳам муаммолигича қолмоқда. Одатда бу автомобиллар, юк кўтариш қобилияти 10 тоннадан 24 тоннагача бўлган, кичик карьерларда ишлайдиган технологик транспортлар бўлиб, маҳаллий рельеф жойлашувига кўра, катта карьер самосвалларни бу эксплуатация шароитида ишлатиш имконияти йўқ. Бундан ташқари, муҳим ишларни, жумладан, катта карьерларда ишлаётган технологик транспортларга ва бошқа техникаларга эҳтиёт қисмлар, махсус юклар, алмаштириш ускуналарини етказиб бериш каби ишларини ёрдамчи транспортлар бажаради. Шу билан бирга, бу ёрдамчи транспортлар, карьерда ишлаётган техникани ёқилғи билан таъминлаш, карьер йўлларига сув сепиш ва бошқа вазифаларни бажарадилар. “Олмалик КМК” АЖ да шундай муаммолар мавжуд.

Ушбу бобда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари баён қилинган. Ихтисослашган транспорт воситаларининг карьер шароитида ишлашини ҳисобга олиб, шиналар ейилиш жадаллигини ўрганиш бўйича тадқиқот режаси тузилди (1-расм).



1-расм. Шиналар ейилиш жадаллигини ўрганиш режаси

Диссертациянинг **“Ихтисослаштирилган транспорт воситаларининг карьер шароитида ишлашнинг ҳисобга олиб, шиналарининг ейилишга бардошлигини тадқиқот қилиш”** – деб номланган иккинчи бобида, юқорида келтирилган тадқиқот режасига мувофиқ, аввал ихтисослаштирилган транспорт воситалари (ИТВ) эксплуатация қилинаётган Қалмақир кон бошқармаси (КБ), Чадак КБ ва Ангрэн КБларига қарашли карьерлар йўл қопламасининг ҳолати таҳлил қилинди.

“Олмалиқ КМК” АЖнинг барча объектларда ИТВларини ишлашининг ўзига хос хусусияти шундаки, ташиш йўналишларини учта қисмга бўлиш мумкин:

III-тоифали такомиллаштирилган асфальт қопламали йўллари;

IV-тоифали асфальт ётқизилмаган (тупроқ, тошли) йўллар;

V-тоифали, асосан қаттиқ тоғ породаси ётқизилган, карьер йўллари.

Мис рудаси қазиб олинган, “Олмалиқ КМК” нинг “Сариқ-чўққи” ва “Қалмақир” карьерларидаги йўлларнинг таҳлили шуни кўрсатдики, у ердаги барча йўллар қаттиқ тошли порода асосида қурилган, бульдозерлар билан майдаланганда ва текисланганда қумга ўхшаб майдаланмайди. Бу карьерлардаги породалар таркибида, қаттиқ порода саналадиган, жуда кўп

кварцит (67% гача) борлигини ҳисобга олиб, у ерда ишлайдиган барча гилдиракли транспорт воситаларида, табиийки шиналарининг жадал ейилиши кузатилади.

Таъкидланишича, карьер йўлларида катта ҳажмли ишларни бажараётган, ҳатто бульдозерларнинг гусеничалари ҳам режадаги муддатидан анча олдин едирилади.

Карьер ичидаги барча йўллар (90% гача), бир йилгача фойдаланишга мўлжалланган вақтинчалик технологик йўллар ҳисобланади. Вақтинчалик йўллар, экскаваторлар ишлаб кетган жойлар ва отвал ишларидан қолган излари билан тўхтовсиз “аралашаб” туради. Ушбу ўтиш жойлари булдозерлар ва грейдерлар билан текисланиб йўл қопламаси қилинади (2-расм).



а



б

2-расм. «Қалмақир» (а) ва «Сариқ-Чўққи» карьери йўллари (б)

Ангрен КБ ва Чадак КБларида технологик транспорт сифатида ишлатилаётган ИТВ, асосан уч хил турдаги йўлларда эксплуатация қилинади. Фақат Чадак КБ да, қуруқ порода ташиладиган 5 та йўналишда, йўл қопламаси асосининг 97% ни қаттиқ тоғ породаси ташкил этади (3-расм). Бу карьердаги тоғ породасининг қаттиқлик коэффиценти – f , М.М.Протодьяконов шкаласи бўйича 14 – 15 ни ташкил этади, бу қиймат жуда қаттиқ иккинчи даражали породага тегишлидир.



3-расм. Чадак КБ даги йўлларнинг ҳолати

Шунингдек, Қалмақир КБ, Чадак КБ ва Ангрен КБларида ИТВдан фойдаланиш пайтида ишлатилган шиналарнинг ҳолати таҳлил қилинди, ейилиш механизми ва ишдан чиқиш сабабларига кўра, аниқ хулосалар чиқарилди.

ИТВ шиналарини ейилишга бардошлик тадқиқотларини бошлашдан олдин, халқаро ГОСТ 28169 “Пневматик шиналар. Шина ейилишига бардошлигини йўл синовларида аниқлаш услуги” бўйича тайёргарлик ишлари олиб борилди. Шу билан бирга, назорат остидаги автомобилларнинг техник ҳолатини сошлаш, тажрибали ҳайдовчиларни танлаш, шина протектори чуқурлигини ўлчаш учун ўлчов асбобларни сошлаш ва автомобиллар учун йўналишлар танлаш ишлари олиб борилди.

Шина ейилишини экспериментал тадқиқотларини баҳолашнинг ишончлилигини таъминлаш мақсадида, статистик хатолик 5% дан ошмаслигини таъминлаш учун ўлчашлар сони асосланди.

Ҳисоблаш ишлари ГОСТ 28169 да кўрсатилган услуб асосида олиб борилди. Чадак КБда ҳақиқий карьер шароитида шиналар ейилиш динамикаси ўрганилди ва эксперимент йўли билан олинган ҳақиқий натижалар формулаларга қўйилиб ҳисоб китоблар бажарилди.

Протектори универсал расмли, ўлчами 315/80R22,5 модели BEL-278, Белшина ва модели TR918 Triangle шиналари MAN 33.360 самосвалларига ўрнатилди. Бу шиналарнинг ейилиш кўрсаткичларидаги статистик хатолик қуйидагини ташкил этди:

$$P = \pm \sqrt{P_1^2 + P_2^2} = \sqrt{2,94^2 + 3,28^2} = 4,4\% \quad (1)$$

бу ерда P_1 – Белшина шиналарини олтинчи ўлчашдаги статистик хатолик, P_2 – Triangle шиналарини олтинчи ўлчашдаги статистик хатолик.

Шиналар ейилишини ўлчаш ишлари 2 – 6 минг км. оралиқ билан 4 – 8 ой давомида олиб борилди. Шина ейилиш жадаллигини аниқлаш бўйича барча экспериментларда 220 га яқин автомобиллар ва 1400 дан ортиқ шиналар қатнашди. Шиналарнинг ейилишга бардошлиги бўйича олиб борилган барча эксперимент тадқиқотларда, камида 6 марта ўлчаш ишлари бажарилди (4-расм).



а




б

4-расм. Шина протектори баландлигини электрон (а) ва механик чуқурлик ўлчагич «BRIDGESTONE» (б) билан ўлчаш жараёни

“Қалмақир” КБ да ёрдамчи ИТВлари турли тоифали йўлларда, жумладан III-тоифали асфальт йўлларида, IV-тоифали тупроқ қопламали йўлларда ва қаттиқ тош породаси ётқизилган карьер йўлларда эксплуатация қилинади. Бундан ташқари, бу автомобилларнинг турли моделлари учун, ҳар бир йўл участкасининг узунликлари бир-биридан фарқ қилади.

Шуни таъкидлаш керакки Ангрен КБ да, MAN 33.360 ва КрАЗ 65055 самосвалларининг юк ташиш йўналишлари, олтин ажратиб олиш фабрикасида – шахталар, конларгача бўлган йўллардир. Бу йўлларнинг 43,3% ни, асосан карьердаги табиий тош асосида ётқизилган йўл қопламаси ташкил этади. Автотранспортлар учун, юк ташиш йўналишлари доимо ўзгариб туради, шунинг учун шина ейилишига бардошлигини ўрганиш натижалари, бутун Ангрен КБ кўринишида тасвирланади. 5-расмда КрАЗ-65055 (Ангрен КБдаги синовларда жами 4 партияда 5 тадан самосвал катнашди) самосвалларидан бирининг шиналарини ейилиш тавсифи келтирилган.





5-расм. КрАЗ-65055, №10.140ХАА самосвали шина протекторларининг ейилиш тавсифи, шина ўлчами 12.00R20 TRIANGLE, Ангрен КБ

Карьерларда қаттиқ тошли порода асосида ётқизилган йўлларида, ИТВлари шиналарининг юриш масофасини меъёрлаш учун “Олмалик КМК”нинг Чадак КБдаги карьерларнинг бирида тажриба синовлари ўтказилди. Чадак КБ да технологик транспорт сифатида рельеф шароитидан келиб чиқиб, уч ўқли MAN TGS 33.360 ва КрАЗ 65055 самосваллари ишлатилади. Самосвалларда ўлчами 315/80R22,5 модель ВЕL-278 Белшина ва 12.00R20 модели ТТО-А112 Triangle бўлган, универсал расмли протекторга эга шиналар ўрнатилган. Шиналарнинг юриш масофасини ҳисоблашда, иккита таниқли – графоаналитик ва математик статистика усулларидадан фойдаланилди.

Чадак КБда, Протодьяконов М.М шкаласи бўйича тоғ породасининг қаттиқлик коэффициенти $f = 14 - 15$ ни ташкил этади. 6-расмда 315/80R22.5 ўлчамли, модели BEL-278 Белшина шиналари ўрнатилган MAN 33.360 самосвали шиналарининг ейилиш тавсифи келтирилган.

Чадак КБга қарашли карьер йўлларининг кенглиги жуда кичик, ташиш йўналишининг масофаси қисқа 0,6 км.дан 5,1 км.гача, ҳаммаси бўлиб 26 та йўналиш мавжуд. Ангрен КБ ва Чадак КБдаги самосвалларнинг барча ҳаракатланиш масофалари алоҳида карточкага ёзилди, ҳамда шина протектори баландлигининг ўзгариши, яъни шина ейилиши жараёни махсус карточкага белгилаб борилди.



6-расм. MAN 33.360, №10.702 NAA самосвалининг ҳар бир шина протекторининг ва шиналарнинг ўртача ейилиш тавсифи, шина ўлчами 315/80R22.5 ишлаб чиқарувчи Белшина, Чадак КБ.

Шина ейилишига, айниқса карьер шароитида қаттиқ тоғ породаси асосида ётқизилган йўл қопламасининг таъсирини ҳисобга олиб, эксплуатация шароити таснифидаги Д₆ – йўл қопламасини (табiiй тош йўллари, қаттиқ қопламага эга бўлмаган подъезд йўллари, вақтинчалик карьер ички ва отвал йўллари) 2 қисмга ажратиш таклиф этилади:

Д₆ – табiiй тош йўллари, қаттиқ қопламага эга бўлмаган подъезд йўллари;

Д₇ – вақтинчалик карьер ички ва отвал йўллари.

Бундан ташқари, карьер чуқурлигини ва маҳаллий рельефнинг шина ейилишига таъсирини ҳисобга олиб, V-тоифали эксплуатация шароити иккита тоифага ажратилди:

$$V_a - D_6 - P_1, P_2; \quad D_7 - P_1, P_2;$$

$$V_6 - D_6 - P_3, P_4, P_5; \quad D_7 - P_3, P_4, P_5.$$

Ушбу таклифлар шиналар юриш масофасини меъёрлашни аниқроқ ҳисоблаш имконини беради.

Диссертациянинг **“Ихтисослаштирилган транспорт воситаларини карьер шароитида қисман ишлашини ҳисобга олиб, шиналарининг юриш масофасини меъёрлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш”** – деб номланган учинчи бобида, шиналар ейилиш динамикасини математик моделлаштириш, шиналарнинг ейилишга бардошлиги бўйича эксперимент тадқиқотларини барчасини таҳлил қилиш ва қайта ишлаш натижалари тақдим этилди.

Ушбу тадқиқотлар IV ва V тоифали эксплуатация шароитларида ишлатилаётган, юк кўтариш қобилияти 10 тоннадан 24 тоннагача бўлган юк автомобилларини шиналари юриш масофасини меъёрлаш имконини беради.

Шина ейилиши бўйича бажарилган тадқиқотлар асосида IV ва V тоифали эксплуатация шароитларида ишлатилаётган ИТВларининг универсал расмли протекторга эга шиналар юриш масофасини меъёрлари ишлаб чиқилган. Уларни қуйидагича камайтириш мумкин:

IV – тоифали эксплуатация шароитида, 50% гача бўлган масофани юриб ўтган автомобиллар учун 20% га;

IV – тоифали эксплуатация шароитида, 50% ва ундан ортиқ масофани юриб ўтган автомобиллар учун 30% га;

V_a – тоифали эксплуатация шароитида, 50% гача бўлган масофани юриб ўтган автомобиллар учун 30% га;

V_a – тоифали эксплуатация шароитида, 50% ва ундан ортиқ масофани юриб ўтган автомобиллар учун 40% га;

V₆ – тоифали эксплуатация шароитида, 50% гача бўлган масофани юриб ўтган автомобиллар учун 40% га;

V₆ – тоифали эксплуатация шароитида, 51 дан 70% гача бўлган масофани юриб ўтган автомобиллар учун 50% га;

V₆ – тоифали эксплуатация шароитида, 70% дан ортиқ масофани юриб ўтган автомобиллар учун 60% га.

Ушбу тавсиялар Ўзбекистон Республикасининг O'z RH 52.006-2009 “Автомобиль шиналарининг эксплуатацион юриш меъёрлари” Раҳбарий ҳужжатида стандартлаштирилган. Ҳозиргача, Ўзбекистон Республикасидаги “Олмалик КМК” АЖ, “Навой КМК” АЖ ва бошқа корхоналарда шиналар юриш масофасини меъёрлашда ушбу раҳбарий ҳужжатдан фойдаланиб келинмоқда.

Барча карьер йўллари, шу карьерларнинг тоғ породаси асосида ётқизилган ва текисланган. Тоғ породаларининг қаттиқлик даражаси ва тоифаси, проф. Протодьяконов М.М. шкаласида келтирилган, унда барча породаларнинг қаттиқлик коэффициенти f таснифланган. “Олмалик КМК” АЖ карьерлари учун, тоғ породасининг қаттиқлик коэффициенти $f=14 - 15$ ташкил этди.

Чадак КБ ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, агар самосваллар фақат қаттиқ породадан ётқизилган йўлларда ҳаракатланганда, шиналар юриш масофасини тузатиш коэффиценти $K_{zn}=0,275$ ни ташкил қилди. Бундай ҳолларда, протектори универсал расмга эга бўлган шиналарнинг юриш меъёри қуйидагича аниқланади:

$$L = S_n \cdot K_{ГП} = 80000 \cdot 0,275 = 22000 \text{ км} \quad (2)$$

Шина ейилишини ўрганиш бўйича, худди шундай изланишлар “Ўзбеккўмир” АЖ ва “Қизилқумцемент” АЖларида КрАЗ 65055 самосвалларида ўтказилганда, тоғ породасининг қаттиқлик даражаси мос равишда $f=1,0$ ва $f=6,0$ ни, ҳамда шиналар юриш масофасини тузатиш коэффицентлари $K_{zn}=0,8$ ва $K_{zn}=0,61$ эканлигини кўрсатди. Шундай қилиб, тоғ породасининг қаттиқлик коэффиценти f ва шиналар юриш масофасини тузатиш коэффиценти K_{zn} ўртасида қуйидагича боғлиқлик жуфтликлари аниқланди.

Коэффицентлар	АЖ “ОКМК”	АЖ “Қизилқумцемент”	АЖ “Ўзбеккўмир”
f	15	6	1
K_{zn}	0,275	0,61	0,8

Ушбу нуқталар орқали ўтадиган интерполяцион кўпхадни ҳосил қиламиз. Ҳисоб китоблар шуни кўрсатдики, чизиқли боғлиқлик ушбу нуқталар орқали ўтадиган чизиқни аниқ тасвирлайди:

$$y = -0,0375 x + 0,8375 \quad (3)$$


Шиналар юриш масофасини тузатиш коэффицентини прогноз қилиш мақсадида, қолган барча породаларнинг қаттиқлигига тўғри келган қийматларни аниқлаш учун экстрополяция ўтказилди ва K_{zn} қийматлари аниқланди (жадвал).

М.М.Протождьяконов шкаласи бўйича барча тоғ породалари учун экстрополяция

№	Порода тоифаси	Қаттиқлик даражаси	Породалар (проф. М.М.Протождьяконов шкаласи)	Қаттиқ- лик коэффи- циенти, f	Шина юриш масофасини тузатиш коэффи- циенти, K_{zn}
1	2	3	4	5	6
1.	I	Энг юқори қаттиқлик даражаси	Энг юқори қаттиқликдаги, зич ва ёпишқоқ кварцит ва базальтлар.	20	0,0875
2.	II	Жуда қаттиқ	Жуда қаттиқ гранит тоғ жинслари: кварц порфири, жуда қаттиқ гранит, кремнийли сланец. Жуда қаттиқ кумтош ва оҳактошлар.	15	0,275
3.	III	Қаттиқ	Гранит (зич) ва гранитли тоғ жинслари. Энг қаттиқ кумтош ва оҳактошлар. Кварц рудасининг турлари. Қаттиқ конгломерат. Жуда қаттиқ темир рудалари.	10	0,4625

4.	III a	Қаттиқ	Қумтошлар (қаттиқ). Қаттиқ бўлмаган гранит. Қаттиқ қумтошлар. Қаттиқ мрамор, доломит. Пиритлар (колчеданы) ва оддий қумтошлар.	8	0,5375
5.	IV	Етарлича қаттиқ	Темир рудалари. Қумли сланецлар.	6	0,6125
6.	IV a	Етарлича қаттиқ	Қумли сланецлар	5	0,65
7.	V	Ўртача қаттиқликда	Қаттиқ глинли сланец. Қаттиқ бўлмаган глинли сланец ва оҳақтош, юмшоқ конгломерат	4	0,6875
8.	V a	Ўртача қаттиқликда	Турли хил сланецлар (қаттиқ бўлмаган). Зич мергель.	3	0,725
9.	VI	Етарлича юмшоқ	Юмшоқ сланец, жуда юмшоқ оҳақтош, бор, тош туз, гипс. Музлатилган тупроқ: антрацит. Оддий мергель. Бузилган қумтош, цемен тланган галька, тош тупроқ.	2	0,7625
10.	VI a	Етарлича юмшоқ	Шағал тупроқ. Майдаланган сланец ва шағал. Қаттиқ тошқўмир.	1,5	0,78125
11.	VII	Юмшоқ	Тупроқ (зич). Юмшоқ тошқўмир, қаттиқ чўкинди гилли тупроқ.	1	0,8
12.	VII a	Юмшоқ	Енгил қумли лой, шағал.	0,8	0,8075
13.	VIII	Тупроқсимон	Ўсимлик ерлари. Торф. Енгил кумок, хом кум.	0,6	0,815
14.	IX	Бўшашган	Қум, майда шағал, ёйилган тупроқ, қазиб олинган кўмир.	0,5	0,81875
15.	X	Сузувчи	Қумлок, ботқоқ тупроқ ва бошқалар.	0,3	0,82625

7-расмда кузатиш учун, f ва K_{zn} коэффициентларининг тоғ породасининг қаттиқлигига боғлиқлиги график кўринишида келтирилган.



7-расм. f ва K_{zn} коэффициентларнинг порода тоифасига боғлиқлик тавсифи.

Пирсоннинг чизикли корреляцияси ёрдамида f ва $K_{гп}$ коэффициентларининг қийматлари корреляцион таҳлил қилинди.

Умуман олганда, корреляция коэффициентини ҳисоблаш формуласи қуйидагича:

$$r_{xy} = \frac{\sum (x_i - \bar{x}) \cdot (y_i - \bar{y})}{\sqrt{\sum (x_i - \bar{x})^2 \cdot (y_i - \bar{y})^2}}, \quad (4)$$

бу ерда: x_i – ўзгарувчи X томонидан қабул қилинган қийматлар; y_i – ўзгарувчи Y томонидан қабул қилинган қийматлар; \bar{x} – X қийматларнинг ўртачаси; \bar{y} – Y қийматларнинг ўртачаси.

Корреляция коэффициенти -1 дан +1 гача ўзгариб туради. Ижобий корреляция мавжуд бўлганда битта кўрсаткичнинг ўсиши иккинчисининг ҳам ўсишига олиб келади.

Пирсоннинг корреляция коэффициенти f ва $K_{гп}$ қийматлари учун -1 ни ташкил қилди, яъни тоғ породасининг қаттиқлик коэффициенти ва шиналар юриш масофасини тузатиш коэффициентиға жуда кучли тесқари корреляцияға эға экан. Бу эса тоғ породасини қаттиқлик тоифасидан келиб чиқиб, шиналар юриш масофасининг тузатиш коэффициентиғни тўғри танлаш керак эканлиғини тасдиқлайди.

Барча тоифадағи тоғ породалари учун $K_{гп}$ коэффициентларининг мавжудлиғи, юк кўтариш қобилияти 10 тоннадан 24 тоннагача бўлган транспорт воситалари шиналари юришини меъёрлаш учун ўзига хос услубни таклиф қилиш имқонини берди.

ИТВларининг карьер шароитида қисман ишлашини ҳисобға олиб, шиналари юришини меъёрлашни ўзига хос услуби:

$$S = S_n [L_1 \cdot K_1 + L_2 \cdot K_2 + L_3 \cdot K_3 + L_4 \cdot K_4 + L_{5a} \cdot K_{агп} + L_{5b} \cdot K_{бгп}], \quad (5)$$

бу ерда: $S_n - I$ – тоифали йўл шароити учун, шиналар юриш меъёри;

L_1, L_2, L_3, L_4 – маълум бир тоифадағи йўл узунлиғининг фоиздағи улуши;

L_{5a}, L_{5b} – карьер чуқурлиғини ҳисобға олиб, карьер йўллари узунлиғининг фоиздағи улуши;

$K_1 \dots K_4$ – I, II, III, IV тоифали эксплуатация шароитида ишлайдиган автомобиль шиналари юришини тузатиш коэффициентлари;

$K_{агп}, K_{бгп}$ – тоғ породаси қаттиқлиғини ҳисобға олувчи, шиналар юриш масофасини тузатиш коэффициентлари.

Ушбу услуб, ҳар қандай йўл шароитида, юк кўтариш қобилияти 10 тоннадан 24 тоннагача бўлган транспорт воситалари шиналарини юриш масофасини аниқлашға имқон беради.

Тадқиқот натижаларига кўра, “Олмалиқ КМК” АЖда ИТВлари шиналарни меъёрлаш услуби, улардан тўғри фойдаланиш ва танлаш бўйича татбиқ этилган тавсиялардан тахминий йиллик иқтисодий самарадорлик 220 та ИТВда 1,4 млрд сўмдан кўпни ташкил этди.

Ушбу услуб ва барча шиналар юриш масофасини тузатиш ҳамда тўғри эксплуатацияни танлаш бўйича сўнгги тавсиялар “Олмалик КМК шароитида автотранспорт воситаларининг шиналари ресурсларидан фойдаланиш ва уларни бошқариш қоидалари бўйича қўлланма” га киритилган. Шу билан бирга “Олмалик КМК” АЖга татбиқ қилиш учун берилган.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

1. Автотранспорт воситалари шиналари қиммат ва нисбатан кам ресурсга эга. “Олмалик КМК” АЖда ишлайдиган махсус автотранспортларнинг шина учун сарфланган ҳаражатлари, транспорт ишларининг қарийб 20% ни ташкил қилади. Карьер шароитида технологик ва ёрдамчи (юк кўтариш қобилияти 10 тоннадан 24 тоннагача бўлган автомобиллар) транспортлар сифатида ишлайдиган ИТВ шиналарининг ресурсини меъёрлаш муаммоси ҳозиргача мавжуд. Шунинг учун, юк ташиш таннархини камайтириш мақсадида, шина ресурсини ошириш ва меъёрлаш бўйича тавсиялар муҳимдир.

2. Карьер йўллари барчамизга маълумки, мукамал қопламага эга эмас. Улар маълум бир карьернинг тоғ породаси асосида ётқизилади. “Олмалик КМК” АЖ даги карьер йўллари қаттиқ тоғ породаси асосида ётқизилган, бу йўл қопламаси бульдозерлар билан текисланганда ҳам, майда қумга айланмайди. Ушбу конлардаги тоғ породаси таркибида жуда кўп кварцит (67% гача) мавжуд, бу энг қаттиқ тоғ породаси эканлигини инобатга олсак, у ерда ишлайдиган барча ғилдиракли транспорт воситаларининг шиналарида жадал ейилиш жараёни кузатилади.

3. Шиналарни ейилишга бардошлилиги бўйича эксперимент тадқиқотлари 220 га яқин автомобилларда ва 1400 дан ортиқ шиналарда ўтказилди. Барча Ангрен, Чадак ва Қалмақир КБ ларининг учаласида ҳам, қисман яхшиланган қопламали, тупроқ қопламали ва карьер йўллари мавжуд, Уларда ишлайдиган ИТВ лари шиналарида ейилишнинг характерли хусусиятлари аниқланди. Фақат Чадак КБга қарашли карьерларда самосваллар учун, 26 та йўналишдан фақат 5 тасида, қаттиқ тошли порода ётқизилган бўлиб, бундай қоплама ушбу йўналишларнинг умумий узунлигининг 95 – 97% ни ташкил этади.

4. Тажриба натижалари ишончли бўлиши учун, 0,95 эҳтимоллик билан, ҳар бир автомобилда 2 – 6 минг км. юриш оралиқларида камида 6 марта шина протекторини ейилишини ўлчаш ишлари олиб борилди. Карьер йўлларига ётқизилган, тоғ породасининг қаттиқлик коэффиценти проф.Протодьяконов М.М. шкаласи бўйича $f=15$ бўлиб, бундай қаттиқ тошли қопламада эксплуатация қилинаётган ИТВ ларининг шина ресурсини камайтириш коэффиценти $K_{сн}=0,275$ ташкил қилди.

5. Шиналарни ейилишга бардошлилигини баҳолаш аниқлигини ошириш мақсадида, эксплуатация шароити таснифига қуйидагича қўшимчалар таклиф этилди:

карьернинг ички ва отвал йўллари, деб ажратилган қўшимча Д₇ -йўл қопламасини баҳолаш жорий этилди. Д₆- да қаттиқ қопламага эга бўлмаган, тупроқ йўллари ва подъезд йўллари қолдирилди. Бундан ташқари, карьер чуқурлигидан келиб чиқиб, V-тоифали эксплуатация шароитини 2 та тоифага, V_a (карьер чуқурлиги 300 метргача) ва V₆ (карьер чуқурлиги 300 метрдан ортиқ) ажратилди:

$$\begin{array}{ll} V_a & Д_6 - P_1, P_2 & Д_7 - P_1, P_2. \\ V_6 & Д_6 - P_3, P_4, P_5 & Д_7 - P_3, P_4, P_5. \end{array}$$

6. Илк маротаба, ИТВлари шиналарини юриш масофасини тузатиш коэффиценти $K_{эн}$, карьер йўлларига асос сифатида ётқизилган, проф. М.М.Протодьяконовнинг тоғ породасининг қаттиқлик тоифасига боғлиқлиги келтирилди ва ишлаб чиқилди. Шиналар юриш масофасини тузатиш коэффиценти – $K_{эн}$ ва тоғ породасининг қаттиқлик коэффиценти – f ларнинг чизиқли корреляцион таҳлили, Пирсон мезонига биноан улар кучли салбий (-1) корреляцияга эга эканлигини кўрсатди. Бу эса, шиналар юриш масофасини тузатиш коэффиценти тўғри танлаш кераклигини тасдиқлайди.

7. Ихтисослаштирилган транспорт воситалари шиналарининг ейилишга бардошлилигини баҳолашда, “BILIMINTERTRANS” ўқув-илмий маркази тавсияларини инобатга олиб, АТВ шиналари юришини меёрлаш, танлаш ва режалаштиришни яхшилаш мақсадида раҳбарий ҳужжат О’з РН 52.006-2009 ишлаб чиқилган. Бу стандарт ҳозиргача “Олмалиқ КМК”, “Навоий КМК” ва бошқа корхоналар учун асосий меёрлий ҳужжат ҳисобланади.

8. Автотранспорт воситаларини турли тоифали йўлларда ва карьер шароитида ишлашнинг ҳисобга олиб, уларнинг шиналари юришини меёрлашнинг ўзига хос универсал услуги таклиф этилди. “Олмалиқ КМК шароитида автотранспорт воситаларининг шиналарини меёрлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларига оид қўлланма” га шина юриш масофасини тузатиш ва танлаш бўйича, ушбу услуги ва барча охириги тавсиялар киритилди, ҳамда “Олмалиқ КМК” АЖда татбиқ этилган.

“Олмалиқ КМК” АЖда фойдаланилаётган автотранспортларда шина ўлчами 12.00R20 бўлган, битта КрАЗ-65055 самосвали мисолида, шиналардан тўғри фойдаланиш, меёрлаш услуги ва танлаш бўйича татбиқ этилган тавсиялардан тахминий йиллик иқтисодий самарадорлик 6510000 сўмни ташкил қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.18/30.12.2019.Т.09.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ПО
ПРОЕКТИРОВАНИЮ, СТРОИТЕЛЬСТВУ И ЭКСПЛУАТАЦИИ
АВТОМОБИЛЬНЫХ ДОРОГ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ПО ПРОЕКТИРОВАНИЮ,
СТРОИТЕЛЬСТВУ И ЭКСПЛУАТАЦИИ АВТОМОБИЛЬНЫХ ДОРОГ**

ЮСУПОВ УМИДБЕК БОЛТАЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА МЕТОДИКИ НОРМИРОВАНИЯ ПРОБЕГА ШИН
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОГО АВТОТРАНСПОРТА С УЧЁТОМ РАБОТЫ
В КАРЬЕРНЫХ УСЛОВИЯХ**

05.08.06 – Колесные и гусеничные машины и их эксплуатация

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент– 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/T954.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу www.taui.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Топалиди Валерий Анатольевич
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты: Шарипов Конгратбай Аvezимбетович
доктор технических наук, профессор
Алибоев Бахтиёр Абдурахмонович
доктор философии технических наук, PhD

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет

Защита диссертации состоится «12» 08 2020 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.18/30.12.2019.T.09.01 при Ташкентском институте по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог (Адрес: 100060, г. Ташкент, проспект А.Темура, 20. Тел./факс: (99871) 232-14-39, e-mail: tadi_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института по проектированию, строительству и эксплуатации автомобильных дорог (зарегистрирована за № 195). Адрес: 100060, г. Ташкент, проспект А.Темура, 20. Тел.: (99871) 232-14-39.

Автореферат диссертации разослан «28» 07 2020 г.
(реестр Протокола рассылки № 2 от «4» 07 2020 г).



А.А.Рискулов
Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней, д.т.н., профессор

Р.А. Абдурахманов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, PhD, доцент

А.А.Мухитдинов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире в настоящий момент в научном обществе активно проводятся исследования для решения таких вопросов, как снижение транспортных расходов на автомобильном транспорте, эффективное использование материальных ресурсов, а также выбор грузовых автомобилей и шин, адаптивных для конкретных условий эксплуатации. Предложенные в них методы оценки экономии ресурсов и разработки стандартов для грузовых автомобилей, используемых в сложных условиях, не в полной мере учитывают влияние на ресурсы шин факторов, возникающих в условиях эксплуатации. В результате эффективность использования ресурсов шин грузовых автомобилей является очень низкой в существующих сложных условиях эксплуатации. В связи с этим важно проводить целевые исследования, в том числе при определении динамики разрушения шин, на специализированных транспортных средствах, эксплуатирующихся в различных категориях дорожных условий, особенно в условиях карьера, направленные на совершенствование метода нормирования пробега шин в зависимости от категории крепости породы.

В нашей стране особое внимание уделяется разработке и внедрению методов эффективного использования эксплуатационных ресурсов транспортных средств и их запасных частей в соответствии с природно-климатическими условиями. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы подчеркивается необходимость решения таких задач, как «снижение потребления энергии и ресурсов в экономике, повсеместное внедрение в производство энергосберегающих технологий, повышение конкурентоспособности национальных транспортно-логистических компаний и повышение энергоэффективности производства»². В связи с этим в сфере автомобильного транспорта очень важно определять и контролировать расход запасных частей и ресурс шин на основании руководящих нормативных документов.

В нашей республике добыча ценных полезных ископаемых исторически является одной из основных составляющих экономики. Шины автотранспортных средств (АТС) – изделия дорогостоящие и с относительно небольшим ресурсом. Эксплуатационные затраты на шину специализированного автотранспорта, работающего в карьерных условиях составляют около 20% от суммы расходов на транспортные работы. Если специальные карьерные самосвалы и их шины изначально создаются для данных условий, то для «обычных» (типовых) АТС эти условия намного экстремальнее. Поэтому до сих пор остаётся актуальной проблемой нормирование ресурса шин специализированных автомобилей в карьерных условиях. Обычно это автомобили грузоподъёмностью от 10 до 24 т. используемые как технологический транспорт в небольших карьерах, где

²Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017г. «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

рельеф местности не позволяет использовать большегрузные самосвалы. Они также выполняют важные вспомогательные работы на больших карьерах: доставляют запчасти для горной техники и технологического транспорта, сменное оборудование, специальные грузы, топливозаправщики и водовозы для полива и др. Поэтому важным было разработать универсальный метод, который позволит обосновывать пробег шин специализированного автотранспорта путем определения поправочного коэффициента пробега шин с учетом крепости горной породы, проложенной в виде дорожного покрытия в карьерах.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для реализации задач, определенных в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2692 от 22 декабря 2016г. «О дополнительных мерах по ускоренному обновлению физически изношенного и морально устаревшего оборудования, а также сокращению производственных затрат предприятий отраслей промышленности», № ПП-3280 от 15 сентября 2017г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы управления АО «Алмалыкский ГМК»», № ПП-4077 от 25 декабря 2018г. «О мерах по ускорению процесса модернизации производственных мощностей, технического и технологического перевооружения отраслей промышленности», Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 937 от 21 ноября 2018г. «Об утверждении технико-экономического обоснования инвестиционного проекта «Расширение производственных мощностей по переработке сырья (Кальмакыр, Сары-чеку, Медная обогатительная фабрика (МОФ), Управление автомобильного транспорта (УАТ), Управление промышленного железнодорожного транспорта (УПЖТ))», а также в других нормативно-правовых актах.

